

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АТАХОДЖАЕВА ДИЛОРА РАХИМДЖАНОВНА**

**БОЛАЛАРДА БРУЦЕЛЛЁЗ КЛИНИК ИММУНОЛОГИК  
ҲОЛАТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА УНИНГ КОРРЕКЦИЯСИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар  
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Атаходжаева Дилора Рахимджановна</b> Болаларда бруцеллёзнинг клиник-иммунологик ҳолатини ўзига хослиги ва уни коррекцияси .....	3
<b>Атаходжаева Дилора Рахимджановна</b> Клинико-иммунологические особенности бруцеллёза у детей и их коррекция .....	25
<b>Atakhodjayeva Dilora Rakhimdjanovna</b> Clinico-immunological features of brucellosis in children and their correction .....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АТАХОДЖАЕВА ДИЛОРА РАХИМДЖАНОВНА**

**БОЛАЛАРДА БРУЦЕЛЛЁЗ КЛИНИК ИММУНОЛОГИК  
ҲОЛАТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА УНИНГ КОРРЕКЦИЯСИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар  
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib60 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбарлар:</b>	<b>Касимов Илхамджан Асамович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Камалов Зайнитдин Сайфутдинович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ибадова Гулнара Алиевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Шамсутдинова Максуда Илясовна</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Бухоро давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: +99871-150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Л.Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.М. Таджикиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳозиргача бруцеллёз бўйича эпидемиологик ва эпизоотологик ҳолатларнинг кўп учраши айрим мамлакатлар учун жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, «... ҳар йили 500000 дан ортиқ бруцеллёз билан касалланган беморлар рўйхатга олинади»<sup>1</sup>. Касаллик асосан эрта баҳор-ёз ойларида, «...ҳайвонлар орасида болалаш даври тугаганидан сўнг қайд этилади ва кўпинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги 20-40 ёшли инсонлар касалланади»<sup>2</sup>. Эндемик ўчоқли ҳудудларда беморларнинг 8-12% ни 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил қилади. Касаллик беморларда турмуш сифатини пасайтириши, юқори даражадаги ногиронлик, жамият ва оилага сезиларли ижтимоий-иқтисодий зарар келтириши ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақазо этмоқда.

Жаҳонда болалар юқумли касалликлари, жумладан бруцеллёзни турли шакллариининг клиник кўринишларини замонавий ташхислаш ва даволашнинг мос усулларини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотни оширишни тақазо қилади. Бу борада аҳоли орасида бруцеллёзни эрта ташхислаш; қайд этиш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш; бруцеллёзни келиб чиқишидаги экзоген ва эндоген омилларни аниқлаш; беморларда хужайравий ва гуморал иммунитетининг кўрсаткичларини, цитокинлар фаоллигини аниқлаш; бруцеллёзнинг ўткир ва ярим ўткир шакллариининг сурункали шаклга ўтиш жараёнларининг патогенетик механизмларини аниқлаш; бруцеллёзнинг турли клиник шаклларида ичак микрофлорасининг миқдорий ва сифат ўзгаришларини аниқлаш; турли клиник шаклларида иммунокоррегирлаш усулларини ишлаб чиқиш; шифохона шароитида беморларни сифатли даволаш ва реабилитация тизимини ишлаб чиқиш; асоратларини камайтириш, касаллик профилак-тикасига тизимли ёндашиш, аҳолини турмуш тарзини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш илмий-тадқиқотнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан болаларда юқумли касалликларга эрта ташхис қўйиш, даволаш ва касалликларни олдини олиш тиббиётнинг муҳим масалаларидан бўлиб қолмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларида «...болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»<sup>3</sup> вазифалари

<sup>1</sup> WHO (2016b). Newborns: reducing mortality [website]. Fact sheet no. 333. Geneva: World Health Organization. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs333/en/> (accessed 20 June 2016)

<sup>2</sup> Bozdemir S.E. QAltintop Y.A., Uytun S. Diagnostic role of platelet volume and neutrophil to lymphocyte ratio in childhood brucellosis // Korean J Intern Med. – 2017. - Nov 32 (6). – P. 1075-1081.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

белгиланган. Бундан келиб чиққан холда замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш орқали мамлакат аҳолисига юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар бруцеллёз муаммосига тааллуқли бўлган кўпгина ишлар қилинган бўлишига қарамасдан, ушбу касаллик учун муҳим бўлган, жумладан этиологик омилни, эпизоотик ва эпидемик ҳолатларни эрта аниқлаш, қиёсий ташхислаш ва патогенетик асосланган даволаш усулларини такомиллаштириш каби кўпгина масалалар ўз ечимини тўлиқ топа олмаган (Сайдалиев С.С., 2012; Бўрибоев Б.И., 2016; Курбанов К.М., 2016; Azizi F., Natami H., Janhorbani M., 2010; Dean F. et al., 2012). Сўнгги йилларда юқумли касалликларга, шу жумладан бруцеллёзга ташхис қўйишда олдиндан фойдаланиб келинаётган усуллардан ташқари, иммунологик ва генетик усулларда текширишлар ҳам қўлланилмоқда (Отарева Б.И. ва бошқалар, 2011; Тагидзе Ф.Т., 2012; Торопчин М.И. ва бошқалар, 2016; Nekmatimoghaddam S., Sadeh M, Khalili MB, Molaabedinn M. et al., 2013). Адабиётларда юқумли касалликларга қарши иммунитетнинг шаклланишида цитокинлар ва нейтрофилларнинг тутган ўрни тўғрисидаги илмий ишлар кўплаб чоп этилмоқда (Мулладжанова К.А. ва бошқалар, 2014; Bozdemir S.E. et al., 2016). Шу билан бирга, кўпчилик муаллифлар ўзлари олиб борган тадқиқотларининг натижаларига асосланиб, этиотроп даволаш билан биргаликда иммункоррекцияловчи препаратларни ҳам қўллаш зарурлигини таъкидлашмоқда (Смайлов Е.М., 2008; Кожаметова Д.К., 2008; Железняков Г.Ф., 2009; Кишкун А.А., 2009; Ниязова Т.А. ва бошқалар, 2014). Аммо иммункоррекцияловчи препаратларни қўллаш тўғрисида стандарт йўриқномалар ишлаб чиқилмаган.

Республикада бруцеллёзга қарши курашиш бўйича эришилган сезиларли муваффақиятларга қарамасдан, охириги йилларда одамлар орасида касалланишнинг кўпайишига мойиллик кузатилмоқда, айниқса чорвачилик ривожланган ва ҳар йили республикада қайд қилинаётган бруцеллёз касаллигини 70% дан кўпроғи учраётган, эндемик ўчоқли регионларда (Бухоро, Қашқада-

рё, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятлари) касаллик юқори даражадалиги-ча (шу жумладан болалар ўртасида ҳам) қолмоқда (Валиев А.А. ва бошқалар, 2010; Ниязова Т.А, Нуруллаева Р.Р., 2016; Буранов И.Б., Расулов Ш.М., 2016). Кейинги йилларда республиканинг Сурхондарё вилоятида ҳам бруцеллёз касаллиги кўпайиб бормоқда (Қосимов О.Ш., 2017).

Ҳозирги кунда болаларда бруцеллёзни эпидемиологияси ва клиникасига бағишланган бир қатор маълумотлар мавжуд (Отамурадова Н.Х., 2011; Бўрибоева Б.И. 2016;). Лекин, бу тадқиқотларда бруцеллёзнинг ўзига ҳос клиник кечиши, иммун ҳолатни ўзгариши ва уларни коррекция қилиш ҳақида маълумотлар йўқ. Адабиётларда ҳам болаларда бруцеллёзнинг кечишига бағишланган изланишлар саноклидир. Ушбу ҳолат болаларда бруцеллёзнинг кечишини ҳар томонлама чуқурроқ ўрганиш ва касалликга қарши олиб борилаётган чора тадбирларни янада кучайтиришни тақазо қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 16.23.5. «Болаларда юқумли касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш усуллари тақомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** болаларда бруцеллёз кечишининг клиник-иммунологик ҳолати ўзгаришларини аниқлаш ва коррекциялашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болалар ва ўсмирларда бруцеллёзни турли шакллари ўзига ҳос клиник кечиши ва иммунологик ўзгаришларини аниқлаш;

бруцеллёзнинг турли клиник шаклларида ичак микробиоценози ҳолати ва унинг организмни иммун тизим кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

тажриба ҳайвонларида бифилакс иммуно ва бактоспорулин пробиотикларининг иммуотроп хусусиятларини аниқлаш;

бруцеллёзнинг турли клиник шакллари даволашда бифилакс иммуно препаратини беморларнинг клиник-иммунологик ҳолатига таъсирини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Эпидемиология, микробиология, юқумли касалликлар илмий текшириш институти клиникасида назоратда бўлган бруцеллёзнинг турли клиник шакллари билан касалланган 92 нафар бемор ва 20 нафар соғлом болаларлар ҳамда тажриба учун 42 та оқ зотсиз сичқонлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида болалар вена қони ва зардоби иммунологик, серологик ва биокимёвий тадқиқотлар учун, нажаси бактериологик тадқиқотлар учун ҳамда сичқонларнинг қони ва иммун аъзолари иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, эпидемиологик, иммунологик, бактериологик, серологик, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор болалар ва ўсмирларда бруцеллэзнинг ўткир ва ярим ўткир клиник шакллари сурункали шаклга ўтиб кетишида хужайравий (CD3+, CD4+) имунитет кўрсаткичлари сонининг камайиши ва гуморал (IgA, IgM) имунитет кўрсаткичлари миқдорининг ортишига боғлиқлиги исботланган;

илк бор болаларда бруцеллэзнинг турли клиник шакллари ривожланишида ИФН-γ миқдорининг кескин камайишига боғлиқ ҳолда яллиғланишга хос (IL-1β, IL-6) ва қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар миқдори турғунлигининг бузилиши аниқланган;

илк бор бруцеллэз билан оғриган болаларда ичак микрофлорасидаги миқдорий ва сифат ўзгаришлари билан иммун тизимнинг хужайравий бўғини (CD3+, CD4+, CD8+ ва CD16+) кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ўртасида ўзаро коррелятив боғлиқлик борлиги исботланган;

илк бор бруцеллэз билан оғриган беморлар ичак микрофлораси таркибида *S.aureus* ва *Candida sp.* миқдорининг ортиши цитокинлар миқдорининг камайишига олиб келиши исботланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бошланғич мактаб ёшидаги болаларда бруцеллэзнинг ўткир ва ярим ўткир клиник шакллари катта мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларга нисбатан оғир кечиши асосланган;

болаларда бруцеллэзнинг турли клиник шаклларида патогенетик асосланган бифилакс иммуно билан иммунокоррегирлаш усули ишлаб чиқилган;

мактаб ёшидаги болаларда бруцеллэзни даволашда узок муддатли ремиссияни таъминловчи, касаллик асоратларини камайтирувчи усул асосланган;

тажрибада иммунотроп хусусиятлари аниқланган пробиотик бифилакс иммуно препаратининг иккиламчи иммунтанқислик ҳолатларни иммунокоррекциялаш хусусиятлари исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, бруцеллэз билан оғриган болаларда иммунологик ҳолат ўзгаришларини ва ўткир, ярим ўткир шакллари-нинг сурункали шаклга ўтиш жараёнларининг патогенетик механизмларини аниқлаш республикада келажакда янада чуқурроқ тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини тақазо этади. Беморларда бруцеллэзнинг клиник шакллари-дан қатъий назар ичак микрофлорасидаги миқдорий ва сифат ўзгаришларининг



организм иммун тизим кўрсаткичларидаги ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқлиги ушбу касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, болаларда бруцеллёзнинг турли клиник шакллари тавсия этилган пробиотик бифилакс иммуно препаратлари билан иммунокоррекциялаш усули мактаб ёшидаги болаларни даволашда узоқ муддатли ремиссияни таъминлайди, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни меъёрлаштиради ҳамда касаллик асоратларини ва иқтисодий харажатларни камайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда бруцеллёзнинг турли шакллари ўзига хос клиник-иммунологик ҳолатини ташхислаш ва коррекциялаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бруцеллёзни даволашда самарадорликни ошириш усули» услубий тавсияномаси тасдиқлаш, (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 майдаги 8н-з/79-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бруцеллёзни турли клиник шакларида беморнинг клиник, биокимёвий, бактериологик ва иммунологик кўрсаткичларини яхшилашга, даволашни такомиллаштириш орқали узоқ муддатли ремиссияга эришишга ва касаллик асоратларини камайтиришга хизмат қилган;

бруцеллёзни турли клиник шакларида болаларни иммун коррекцияловчи препаратлар билан даволаш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари болалар юқумли касалликлари шифохоналари амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 майдаги 8н-з/79-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар касалликнинг барча клиник шакларида ташхислаш ва даволашни самарадор усулини қўллаш орқали бруцеллез билан оғриган болаларни даволаш самарадорлигини 38,2% оширишга, стационарда даволаниш даврини 2,9 кунга қисқартиришга ва даволашга кетадиган оилавий маблағларни 1,9 марта тежашга имкон яратаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети тасвирланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Бруцеллёзнинг ҳозирги даврдаги клиник-иммунологик тавсифи»** деб номланган биринчи бобида сўнги йилларда чоп этилган адабиётлар шарҳи таҳлил қилиниб, бруцеллёз муаммосининг тиббий-ижтимоий аҳамияти акс эттирилган, бруцеллёзнинг эпидеми-ологияси, эпизоотологияси, этиологияси, патогенези, ташхиси, беморлардаги иммунитет ва ичак микробиоценози ҳолати ҳақидаги замонавий маълумотларнинг таҳлили келтирилган. Ичак микрофлораси ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликга баҳо берилган. Бруцеллёз кечишидаги клиник-иммунологик ўзига хос хусусиятлар, даволашга бўлган замонавий ёндашишлар тўғрисидаги замонавий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болалардаги бруцеллёз инфекциясининг турли шакллари клиник-иммунологик текширишнинг методологияси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот предмети, объекти ҳамда қўлланилган тадқиқот усулларига таъриф берилган. Қўйилган мақсадга эришиш учун бруцеллёзнинг турли хил клиник шакллари билан касалланган, Республиканинг эндемик ўчоқли ҳудудларида (Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва бошқа вилоятлар) яшовчи ЭМЮКИТИ нинг “Бруцеллёз” бўлимига бруцеллёз ташхиси билан ётиб даволанган 7-17 ёшдаги 92 нафар болалар ва ўсмирлар текширилган. Беморлар ёшига кўра қуйидагича тақсимланди; 7-10 ёш -23 нафар (25%), 11-14 ёш -31 нафар (33,7%), 15-17 ёш -38 нафар (41,3%).

Болаларнинг 86 нафари (93,5%) қишлоқда яшовчилар, 6 нафари (6,5%) шаҳарда яшовчилар бўлган.

Бруцеллёз билан оғриган беморларда қон ва қон зардобини бактериологик ва серологик усулларда: Хеддельсон (ХАР) ва Райт агглютинация реакциялари (РАР), пасив гемагглютинация реакцияси (ПГАР) да текшириш ССВ нинг 2015 йил 1-майдаги 177-сонли буйруғи ("Бактериологик, вирусологик ва ўта хавфли касалликлар лабораторияларида ўтказиладиган лаборатория усулларини такомиллаштириш тўғрисида") асосида ЭМЮКИТИ нинг бактериологик лабораторияларида бажарилган. Бемор болаларда ичак микрофлорасини ҳолатини аниқлаш Мухаммедов И.М (2007) ва ҳаммуаллифлар томонидан чоп этилган монографияда келтирилган методик қўлланмалар асосида олиб борилди.

Иммун ҳолатни динамикада текшириш, периферик қондаги лимфоцитларнинг мембранали антигенлари (CD3+, CD4+, CD8+, CD16+, CD19+, CD23+, CD25+, CD95+) моноклонал антителолар ёрдамида

аниқланган. Иммуноглобулинлар (IgA, IgM, IgG) миқдори радиал иммундиффузия усули бўйича аниқланган (И.И. Мечников номидаги ВЗИТИ, Москва). Интерлейкинлар (ИЛ) ва интерферонлар (IL-1 $\beta$ , IL-6, IL-4, IL-10 ва IFN- $\gamma$ ) қон зардобида қаттиқ фазали иммунофермент таҳлили усулида аниқланди. Иммунологик тадқиқотлар Республика Иммунология марказининг “Иммунологик текширишлар” лабораториясида бажарилган.

Даволашнинг самарадорлигини аниқлаш учун назоратимиздаги беморлар 2 та катта гуруҳга ажратилди: I - гуруҳга 53 нафар ўткир ва ярим ўткир бруцеллез (ЎБ ва ЯЎБ) билан оғриган беморлар, II – гуруҳга 39 нафар бирламчи ва иккиламчи сурункали бруцеллез (БСБ ва ИСБ) билан оғриган беморлар киритилган. Беморларни турли хил усуллар билан даволаш учун иккала катта гуруҳлардаги беморлар ёши, жинси, клиник, иммунологик, биокимёвий кўрсаткичлари бўйича қиёсланадиган 2 тадан кичик гуруҳларга ажратилди. Биринчи гуруҳга антибактериал (стрептомицин, доксицилин, левомецетин) яллиғланишга қарши ностероидлар, антигистаминлар, симпто-матик препаратлар, шунингдек витаминларни ўз ичига олган, фақат базисли этиопатогенетик (анъанавий) даволаш ўтказилган беморлар киритилган. Иккинчи текширилаётган гуруҳни анъанавий даволаш фонида пробиотик бифилакс иммуно (БИ) препаратини 1 кунда битта капсуладан овқатдан кейин, камроқ суyoқлик билан қабул қилган беморлар ташкил қилган. Даволаш курсининг давомийлиги бир ой бўлган.

Пробиотик БИ ва БС препаратларнинг иммунотроп хусусиятларини ўрганиш «Дори воситаларини клиникагача ўрганиш» ва «Янги фармакологик моддаларни экспериментал (клиникагача) ўрганиш бўйича қўлланма» номли услубий тавсиялардаги кўрсатмалар асосида зотсиз оқ сичқонларда ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили вариацион статистика усулида ўтказилган. Ўртача фарқларнинг ишончлилиги Стьюдент меъзони асосида 95% лик ишончли интервал билан баҳоланган.

Диссертациянинг «**Болалар ва ўсмирларда бруцеллезнинг клиник-иммунологик ҳолатини тавсифи**» деб номланган учинчи бобида бруцеллезнинг турли хил клиник шакллари билан оғриган болалар ва ўсмирларда ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Клиник шакллари бўйича ўткир бруцеллез (ЎБ) билан оғриганлар 35,9% ни (33), ярим ўткир бруцеллез (ЯЎБ) - 21,7% (20), бирламчи сурункали бруцеллез (БСБ) - 20,7% (19) ва иккиламчи сурункали бруцеллезда (ИСБ) - 21,7% (20) ни ташкил қилди.

ЎБ билан оғриган болаларнинг 75,8% (25) да касаллик субкомпенсация, 24,2% (8) да декомпенсация даврида кечган. Декомпенсация даври асосан 7-10 ёшдаги болаларда кузатилди. Ушбу ҳолат 7-10 ёшдаги болаларда бруцеллез оғирроқ кечганлигини кўрсатади, бу албатта организмнинг иммун ҳолатига боғлиқ бўлган. Болаларнинг ёши ошиши билан декомпенсация даври камайиб борди. Касаллик 81,8% (27) беморда бруцеллезнинг асосий белгилари (юқори ҳарорат, қалтираш, терлаш, ҳолсизлик) билан ўткир бошланган. Турли ёшдаги беморларда юқори ҳарорат ва унинг давомийлиги бир хил бўлмади. Яъни беморларнинг 33,3% (11) да ҳарорат тўлқинсимон, 36,4% (12) да доимий, 15,1%

(5) да фебрил ва 9,1% (3) да ремиттирланган кўринишда кечди. 2 нафар беморда касаллик меъёрдаги ҳарорат фонида кечди (6,1%). Ҳароратнинг доимийлиги болалар учун характерли бўлди. Беморларда периферик лимфа тугунларининг, жигар ва талокнинг катталашганлиги ҳамда сезгирлиги аниқланди.

Юрак-қон томир тизимида (ЮҚТТ) юрак тонларининг бўғиқлиги (30,3%), айрим беморларида юрак чўққисида систолик шовқин (15,1%), артериал қон босимининг пасайганлиги (30%), тахикардия (60,6%), организмнинг умумий заҳарланиши каби касалликнинг ўзига хос белгилари кузатилди.

Серологик ташхис қўйишда беморларда ХАР ва РАР 97%, ПГАР–100% мусбат бўлди. Текширилган жаъми 92 беморнинг 42 нафаридан қон олиб экилди ва 42,9% да *V.meletensis* культураси ажратилди. ЎБ да 11 нафар бемордан қон олиниб, бактериологик усулда текширилди ва 9 нафаридан (81,1%) *V.meletensis* культураси ажратилди. ЎБ да культуранинг юқори фоизда ажралиши инфекция жараённинг бутун организмда бактериемия билан кечаётганлигидан дарак берди.

Ўткир бруцеллёз билан оғриган болаларда ўтказилган комплекс иммунологик тадқиқотларда иммунитетнинг ҳужайравий тизимида ҳам, гуморал тизими кўрсаткичларида ҳам яққол намоён бўлган жуда кўп ўзгаришлар кузатилди. Бунда CD3+ ва CD4+ ҳужайраларининг ишончли равишда камайиши, CD4+/CD8+ нисбати, CD25+ сонини, CD19+ ва CD95+ ҳужайраларини статистик сезиларли ошиш фонида камайганлиги, ҳамда иммуноглобулинлар (IgA, IgM, IgG) концентрациясининг амалий соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан ошганлиги аниқланди (1-жадвал).

### 1-жадвал


#### Ўткир бруцеллёз билан оғриган бемор болаларда иммунологик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи (%)

Кўрсаткичлар	Назорат, (n=20)	7-14 ёш, (n=23)	15-17 ёш, (n=10)
Лейкоцитлар	6,9±0,24	7,8±0,3*	8,6±0,2***
Limf	32,9±0,98	39,4±0,9***	42,3±1,0***
CD3+	53,6±1,50	38,8±0,8***	36,5±1,3***
CD4+	28,2±0,4	21,9±1,0***	16,4±0,6***
CD8+	23,4±1,004	24,1±0,9	20,2±0,6**
CD16+	18,6±0,6	24,8±0,8***	26,6±1,0***
ИРИ	1,2±0,03	1,1±0,05	1,0±0,03***
CD19+	24,9±1,2	29,2±0,8**	32,3±1,2***
CD23+	25,1±1,4	31,7±1,3***	31,9±0,7***
CD25	25,6±0,8	28,4±1,4	30,1±0,9***
CD95+	23,6±0,8	18,4±0,8***	10,3±0,3***

Изоҳ: - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

Бруцеллёз билан оғриган болаларда цитокинлар қаторини ўрганиш, организмнинг бактерияларга қарши носпецифик резистентлигини баҳолашга имкон беради. Болаларда цитокинлар гуруҳи микдорининг таҳлили

бўйича IL-1 $\beta$ , IL-6 ва IL-4, IL-10 концентрациясини ИФН- $\gamma$  нинг камайиш негизида ишончли ошганлиги аниқланди (1-расм). Ушбу ҳолат ўткир бруцеллёз билан оғриган беморларда комбинацияланган иммун танқислик фонида цитокинлар бошқарилишининг бузилиши ривожланаётганидан дарак берди



**1- расм. Ўткир бруцеллёз бўлган болалар ва ўсмирларда цитокинлар миқдорининг қиёсий кўрсаткичлари**


Назоратимиздаги 20 нафар ЯЎБ билан оғриган беморларнинг 50% ни 7-14 ёшдаги ва 50% ни 15-17 ёшдаги болалар ва ўсмирлар ташкил қилган. Шулардан 7-14 ёшли болаларнинг 45% да ва 15-17 ёшли ўсмирларнинг 31% да касаллик бруцеллёзга хос клиник белгилар билан ўткир бошланган. Беморларнинг 30% (6) да касаллик декомпенсация ва 70,0% (14) да субкомпенсация босқичларида кечганлиги кузатилди. Ушбу ҳолат беморларда ярим ўткир бруцеллёз ўткир бруцеллёзга нисбатан оғирроқ кечишини кўрсатган. ЯЎБ нинг клиник белгиларини ЎБ нинг клиник белгиларига ўхшаб кетиши характерлидир, аммо ЯЎБ узоқ кечиши ва таянч - ҳаракат, висцерал ва бошқа аъзолар тизимларида ўчоқлар ҳосил бўлиши билан ЎБ дан фарқ қилган.

Таянч-ҳаракат аппаратининг шикастланиши ҳам функционал, ҳам органик ўзгаришлар сифатида характерланди.

Ташхиснинг бактериологик усулда тасдиқланиши 27,8% беморда кузатилди. Серологик текширишда ХАР ва РАР 95%, ПГАР 100% беморда мусбат бўлди. Беморларнинг 27,8% да Brucella культуралари ажратилган.

ЯЎБ билан оғриган беморларда ўтказилган иммунологик тадқиқотлар лимфоцитларнинг асосий популяцияси ва субпопуляцияларида Т- лимфоцитларнинг умумий сони ишончли камайганлигини кўрсатган. Беморларда

аниқланган иммун танқислик, иммун тизимнинг CD4+ (Т-хелпер ва CD3 (Т-лимфоцитлар) сонини ишончли равишда 1,3 ва 1,1 марта мос ҳолда камайганлиги билан характерланган. Шу билан бирга, CD8+ ва CD16+ хужайралар абсолют сонининг назоратга нисбатан ишончли ошганлиги аниқланган. Демак, ЯЎБ билан оғриган беморларда иммун бошқарувчи индекс (ИБИ) ҳам ишончли равишда камайган (2-расм).



**2-расм. Ярим ўткир бруцеллёзи билан оғриган бемор болалар ва ўсмирларда хужайравий иммунитет кўрсаткичлари**

Гуморал иммун жавобнинг асосий кўрсаткичлари бўлган IgA, IgM ва IgG ларни ўрганишда ЯЎБ билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳидагилар ўртасида IgG кўрсаткичларида ишончли фарқ борлиги аниқланди. Иммунитетнинг цитокинлар гуруҳида яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинларининг ИФН- $\gamma$  нинг ишончли камайиши фонида ошганлиги ва уларда номутаносиблик борлиги аниқланган (3-расм). Ушбу ҳолат яллиғланиш жараёни давом этаётганлигидан дарак бераган.

Тадқиқот ўтказилган 19 нафар БСБ билан оғриган беморлар ёшига кўра тақсимланганда 26,3% ни –7-10 ёш, 15,8% – 11-14 ёшдаги болалар ва 57,9% ни 15-17 ёшдаги ўсмирлар ташкил қилган. Беморларнинг 68,4% да касаллик субкомпенсация ва 31,6% да декомпенсация босқичларида кечган. Беморларнинг 14 нафарида касаллик аста-секин, 5 нафарида сезилмасдан бошланган.

БСБ нинг клиникаси ўзининг ҳилма-хиллиги ва бруцеллёзнинг ўткир ва ярим ўткир шаклига нисбатан енгил кечиши билан характерланган. Беморларнинг 15 нафарида лимфа тугунлари нўхатдек бўлиб катталашгани ва


пайпаслаганда ҳаракатчанлиги аниқланган, ушбу ҳолат организмда антигенга қарши реакциянинг кучайганлигини кўрсатган. ЮТТда 7-14 ёшдаги беморларнинг 62,5% да, 15-17 ёшдаги ўсмир болаларнинг 45,4% да юрак тонлари бўғиқ бўлган. Беморларнинг 47,4% да жигарнинг, 21% да талоқнинг катталашгани аниқланган. Пайпаслаб кўрилганда жигар кам сезгир ва оғриқли бўлиб, қовурға ёйидан 0.5-1,0 см чиқиб турганлиги кузатилган. Таянч-ҳаракат тизимида 8 нафар беморда енгил бурситлар, айримларида тизза, болдир, тирсак, елка бўғимларида артритлар борлиги, ҳаракат чекланганлиги ҳамда оғриқ мавжудлиги аниқланган. Оғриқларга бўлган шикоятлар 7-14 ёшдаги беморларда кўпроқ бўлди. Периферик қон таҳлили бемор болаларнинг кўпчилигида лейкопения, нейтропения, лимфоцитоз борлигини ва ЭЧТ нинг ошганлигини кўрсатган.

Серологик ташхисда ХАР ва РАР 94,7%, ПГАР -100% беморда мусбат бўлган. Аммо серологик реакцияларнинг титрлари ЎБ ва ЯЎБ билан оғриган беморларда олинган титрлардан паст бўлган. Беморларнинг 12 нафаридан қон олиниб, бактериологик усулда текширилган ва 25,0% да *V. melitensis* культураси ажратилган.

БСБ билан оғриган беморларда иммунитетнинг ҳужайравий каторида номутаносиблик юз берган, бу ҳолатда Т- лимфоцитлари популяцияларининг назорат гуруҳига нисбатан кескин камайиб кетиши (CD3+ 2,5 марта; CD4+ 2 марта; CD8+ 1,5 марта) негизида лейкоцитлар ва лимфоцитларнинг 1,3 марта ишончли равишда ошганлиги кузатилган. Шу билан бирга, В- лимфоцитлари популяцияларининг (CD19+, CD23+, CD25+) кўрсаткичлари назоратга нисбатан камайганлиги аниқланган. CD16+нинг назоратдан 1,2 баробар ошганлиги, яллиғланиш ўчоғида антигенлар (АГ) кўпайиб кетганлиги туфайли иммун тизим уларни йўқ қилиш учун киллер ҳужайраларни кўплаб ишлаб чиқарган деб баҳоланган. Беморларда иммуноглобулинлар синфида ҳам номутаносибликлар борлиги аниқланган. Цитокинлар гуруҳида ИЛлар миқдорини назоратга нисбатан ишончли ошганлиги кузатилган. Айниқса, яллиғланишга хос цитокинлар миқдори юқори даражада ошган, яъни IL-1-β 2,4 марта, IL-6 эса 3,7 марта ошган, бунга жавобан яллиғланишга қарши цитокинлар IL-4 ва IL-10 лар 1,9 ва 2,5 мартадан мос ҳолда фаоллашган ва ушбу ҳолат беморлар организмда кучли яллиғланиш жараёни кечаётганлигидан дарак берган (3-расм). Тадқиқотимизда ИСБ билан оғриган беморлар 20 нафарни ташкил қилган. Уларнинг 15% ни 7-10 ёш, 50% ни 7-14 ёш ва 35% ни 15-17 ёшдаги ўсмир болалар ташкил қилган.

Шифохонага ётишда беморларнинг шикоятлари турлича бўлган. Уларнинг кўпчилигида ҳарорат субфебрил бўлиб, кўпинча қалтираш ва терлаш билан кечган. Периферик лимфа тугунлари 25% беморда катталашган, эластик ва ҳаракатчан бўлган. 7-14 ёшдаги болаларда қўлтиқ ости ва чов безлари, жағ ости безларига нисбатан кўпроқ шикастланганлиги аниқланган. Таянч-ҳаракат аппаратининг тизза ва ошиқ-болдир бўғимида бурсит ва артритлар 7-14 ёшли болаларда 15-17 ёшдагиларга нисбатан 1,5-2 баробар кўпроқ учраган. Беморларнинг 20% да гепатолиенал синдром аниқланган.

Касалликнинг ўткир даврида охиригача даволанмаган ўсмирларнинг айримларида орхит ва орхоэпидимитлар аниқланган. Периферик қон таҳлилида 3-5% беморда лейкопения, нейтропения, лимфоцитоз, ЭЧТ нинг тезлашганлиги ва 15-17 ёшли беморларда гипохром анемия қайд этилган.



Изоҳ: \* - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (\* - P<0,05)


### 3 - расм. Бирламчи сурункали бруцеллёз билан оғриган бемор болалар ва ўсмирларда цитокинлар миқдорининг қиёсий тавсифи

Серологик ташхис қўйишда ХАР, РАР, ПГАР 93,7% беморда мусбат бўлди, ПГАР, айниқса РАР нинг титрлари бруцеллёзнинг ЎБ ва ЯЎБ шаклларидаги титрларга нисбатан паст бўлди. Бактериологик текширув учун ҳарорати юқори кўтарилган 4 нафар бемордан қон олинган ва 1 нафаридан *B. melitensis* культураси ажратилган.

ИСБ билан оғриган беморлар организмда иммунитетнинг Т- ва В-тизимларида номутаносиблик борлиги аниқланган ва ушбу ҳолат Т хужайравий тизимида иммун танқислик юз берганидан дарак берган. Лимфоцитларнинг миқдори меъёр даражадалигига қарамасдан В лимфоцитларнинг ҳам сезиларли даражада камайганлиги натижасида гуморал иммун кўрсаткичлари ҳам назоратга нисбатан паст даражада бўлган.

Бруцеллёзнинг ушбу шаклида беморларда цитокинлар гуруҳи кўрсаткичларида қуйидаги ўзгаришлар қайд этилган, яъни IL -1β, IL -6, IL -4, IL -10 хужайраларининг ИФНγ - хужайрасининг камайганлиги фонида назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли равишда ошган (4-расм). Ушбу ҳолат организмда кучли яллиғланиш жараёни кечаётганлигидан дарак беради.





Изоҳ: \* - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (\* -  $P < 0,05$ )

#### 4-расм. Иккиламчи сурункали бруцеллёз билан оғриган болалар ва ўсмирларда цитокинлар миқдорий кўрсаткичлари

Диссертациянинг «Бруцеллёз билан оғриган болалар ва ўсмирларда ичак микробиоценози билан клиник - иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик» деб номланган тўртинчи бобида бруцеллёзнинг турли шакллари билан оғриган беморларда ичак микробиоценози билан клиник иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилган. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича болалар ва ўсмирларнинг барчасида ичак микрофлораси таркибида ўзгаришлар борлиги аниқланган (2-жадвал).

2-жадвалдан кўришиб турганидек бруцеллёз билан оғриган болалар ва ўсмирларда облигат микрофлораларни, яъни *Bacteroides* sp., *Bifidobacterium* sp., *Lactobacterium* sp. ва лактоза мусбат *E.coli* лар назоратга нисбатан 2,1 мартадан 2,9 мартагача ишончли равишда камайган. Бир вақтнинг ўзида факультатив бактериялар, яъни *S.aureus*, *Stahylcoccus* sp. ва *Candida* sp. 1,46 мартадан 3,75 мартагача ошган. Кўришиб турганидек, факультатив аэроблар концентрацияси, йўғон ичакда уларнинг антогонистлари камайиб кетганлиги сабабли ошиб кетган. Ушбу ҳолат беморларда патологик жараённинг оғирлашишига, иммун ҳолатнинг бузилишига, тузалишнинг кечикишига ва турли хил асоратларнинг ривожланишига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, ичак микробиоценозидаги миқдорий ва сифат ўзгаришлар бруцеллёзнинг клиник шаклларига боғлиқлиги аниқланган. Яъни БСБ, айниқса, ИСБ билан оғриган беморлардаги ўзгаришлар ЎБ ва ЯЎБ бўлган беморлардаги ўзгаришларга нисбатан кучли бўлган. Тадқиқот маълумотларинининг таҳлили бўйича бруцеллёз билан оғриган барча болалар ва ўсмирларда касалликнинг клиник шаклидан қатъий назар

беморларнинг 19,6% да (18) I даражали, 71,7% да (66) II, ва 8.7% да (8) III даражали дисбактериоз борлиги аниқланган.

## 2-жадвал

### Бруцеллёзнинг турли клиник шакллари билан оғриган болалар ва ўсмирларда ичак микрофлораси кўрсаткичлари (M±m) Ig КХБ/г

Микроорга- низмлар	Гуруҳлар				
	Назорат n=20	ЎБ n=33	ЯЎБ n=20	БСБ n=19	ИСБ n=16
Bacteroides sp.	9,14±0,22	6,24±0,19***	6,61±0,5***	5,89±0,4***	5,4±0,2***
Bifidobacteri- um sp.	9,74±0,16	6,85±0,23***	5,78±0,4***	5,85±0,2***	4,4±0,34***
Lactobacteri- um sp.	7,71±0,37	5,6±0,13***	5,76±0,4***	5,65±0,22***	5,24±0,33***
E. coli ЛП	8,15±0,24	5,8±0,35***	6,1±0,33***	6,2±0,28***	5,41±0,17***
E. coli ЛН	2,81±0,16	5,77±0,22***	5,74±0,3***	7,1±0,1***	7,6±0,3***
Enterococcus sp.	5,44±0,32	6,9±0,31**	7,2±0,29***	7,8±0,36***	8,12±0,69***
Staphylococcus sp.	4,97±0,31	5,92±0,45	6,7±0,73*	6,92±0,95	7,52±0,55***
S. aureus	0,11±0,1	3,9±0,29***	2,89±0,34***	3,9±0,44***	4,36±0,33***
Candida sp.	1,91±0,26	5,21±0,33***	5,5±0,28***	5,85±0,42***	6,3±0,31***

Изох: - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

Бруцеллёз билан оғриган беморларда CD3+ ва ичак микрофлорасидаги (r=+ 0,21) анаэроблар ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик кузатилган. Яъни CD3+ кўрсаткичининг камайиши, анаэроблар миқдорини камайишига таъсир қилгани аниқланган, CD4+ тўғридан-тўғри аэробларнинг умумий миқдори билан (r=0,333) корреляцияланганлиги ва Candida (r=-0,275) билан тескари корреляцион боғланганлиги кузатилган. CD8+ ва аэробларнинг умумий миқдори (r=-0,859) ҳамда энтерококклар (r=- 0,225) ўртасида тескари кучли боғлиқлик борлиги аниқланган. CD16+ ва энтерококклар (r=-0,329) орасида ўртача тескари корреляцион боғлиқлик ва шартли патоген микроблар (r=- 0,349) ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик кузатилган. Шунингдек, ИФН-γ нинг лактоза мусбат E.Coli (r=+0,459) миқдори билан тўғри ва лактоза манфий E.Coli (r=-0,291) миқдори билан эса тескари корреляцион ўзаро алоқадорлик борлиги аниқланган.

Шундай қилиб, олинган маълумотлар бруцеллёз билан оғриган беморларда ичак дисбактериозининг намоён бўлиши, хужайра иммунитетининг номутаносиблигидан далолат беради. Ўтказилган тадқиқотлар асосида бруцеллёз билан оғриган беморларда ичак микрофлораси ва иммун ҳолатнинг бузилишида аниқ боғлиқлик борлиги аниқланган. Тадқиқотларимизнинг натижаси бруцеллёз билан оғриган беморларида ичак микрофлораси ва иммун ҳолатнинг бузилишини касалликда оғирлашиш бошланаётганлигидан дарак берувчи белги сифатида баҳолаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг «Тажрибада пробиотик бифилакс иммуно ва бактоспорулиннинг иммун тизимга таъсирини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида 18-20 граммлик 42 та оқ зотсиз сичқонларда ўтказилган тажрибанинг натижалари келтирилган. Сичқонлар 7 та гуруҳга бўлинган, ҳар бир гуруҳда 6 тадан сичқон бўлган. Биринчи гуруҳ назорат, қолганлари тажриба гуруҳлари бўлди. Сичқонларнинг барчасини қорин бўшлиғига қўй эритроцитлари (ҚЭ) юборилди. ҚЭ билан иммунизация қилинган кундан бошлаб 4 кун давомида 3 та тажриба гуруҳи сичқонларига ярим дозада – 0,0355 мл/кг, 0,071 мл/кг ва 0,142 мл/кг дозаларда БИ юборилди. Препаратга қийслаш учун қолган гуруҳ сичқонларига ҳам худди шундай дозаларда БС юборилган (3-жадвал).

